



NAVOIY VILOYATI TOMDI TUMANI HOKIMINING FARMOYISHI

210800, Tomdi tuman, Yangi Tomdi qo'rg'oni, tel: (79) 582-13-13, fax: 582-13-22, e-mail: tomdi@nv.uz

2023 - yil 8 - fevral

25-5-75-F/23

Tomdi tumani hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепсияси, 2022-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси ҳамда 2023 йилда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” да белгилаб берилган вазифаларни бажариш мақсадида, вилоят хокимининг 2023 йил 30 январдаги 9-5-0-F/23-сонли фармойишини инобатга олиб:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепсиясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сонли Фармони (кейинги ўринларда-Фармон деб юритилади) ва вилоят хокимининг 2023 йил 30 январдаги 9-5-0-F/23-сонли фармойиши ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

туманда жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалаларини мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ таркиби (кейинги ўринларда-туман ишчи гуруҳи) 1-иловага мувофиқ;

туманда 2023 йил давомида жамоат хавфсизлиги концепсияси доирасида амалга ошириладиган ишлар бўйича “Йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман ишчи гуруҳи (Р.Рузиев) зиммасига жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги жорий этилаётган бошқарув тизимини самарали йўлга қўйиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича асосий вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини ташкил этиш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

4. Туман ички ишлар бўлими (У.Адизов) бошқа алоқадор идоралар билан биргаликда Фармон мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш бўйича жойларда кенг қамровли тарғибот тадбирларини олиб борсин.

5. Туман ишчи гуруҳи аъзолари томонидан Фармон ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар бўйича ўзаро ахборот алмашинуви йўлга қўйилсин.

6. Ушбу фармойиш ижросини таъминлаш ва назорат қилиш туман ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари У.Адизов ҳамда туман ишчи гуруҳи аъзолари зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



Қ.Алдабергенов

Tomdi tuman hokimining
2023 yil 8 fevraldagi
25-5-75-F/23-son farmoyishiga
1-ilova

**Туманда жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалаларини
мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ таркиби**

Т/р	Ф.И.О.	Иш жойи ва лавозими
1.	Ф.Хайруллаев	Туман ИИБ бошлигининг ўринбосари-Жамоат хавфсизлиги хизмати раҳбари-ишчи гуруҳ раҳбари
Ишчи гуруҳ аъзолари		
2.	А.Доспанбетова	Туман ҳокимининг ўринбосари–Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи
3.	Н.Бекназаров	Туман ҳокимининг ўринбосари
4.	А.Ғафуров	Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Томди тумани бўйича бўлими бошлиғи
5.	Х.Мухиддинов	Фавқулудда вазиятлар бўлими бошлиғи
6.	Н.Рахимов	Ўзбекистон Республикаси ДХХ Томди тумани бўйича бўлими ходими
7.	А.Самадов	Туман прокурори ўринбосари
8.	А.Жузгенов	Туман маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи
9.	Н.Жураев	Туман Адлия бўлими бошлигининг 1-ўринбосари
10.	Т.Рузиев	Туман Телекоммуникация боғламаси бошлиғи
11.	М.Норкулов	Туман соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи

Изоҳ: Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг ўрнига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки тегишли функциялар зиммасига юклатилган шахслар киритилади. Янги тузилмалар тузилганида эса, тегишли функцияларни ижро этувчи муассаса ишчи гуруҳ аъзоси бўлади. Заруратга кўра ишчи гуруҳ таркибига жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштираётган таъминлаш субъектлари ҳам жалб қилиниши мумкин.

Tomdi tuman hokimining
2023 yil 8 fevraldagi
25-5-75-F/23-son farmoyishiga
2-ilova

**Туманда 2023-йил давомида жамоат хавфсизлиги концепсияси
доирасида амалга ошириладиган ишлар бўйича**

ЙУЛ ХАРИТАСИ

Т/Р	Амалга ошириладиган ишлар	Муддати	Ижро учун масъуллар
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 29-ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони асосида, жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи субъектлар зиммасига юклатилган вазифларнинг ижроси юзасидан ҳар чоракда камида бир мартаб муҳокама қилиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи субъектлар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган яқин истиқболдаги ва узоқ муддатли чора-тадбирларни белгилаб бориш.	2023-йил ҳар чоракда	Туман ҳокимлиги, жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи барча субъектлар
2.	Жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат дастурларини ижросини таъминлаш ва амалга ошириш юзасидан ҳудудий чора-тадбирларни белгилаш. Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш тизимлари, шошилиш тиббий ёрдам хизматлари, жамоат жойларидаги коммуникация, муҳандислик-техник воситалар ҳамда бошқа тизимларга қўйиладиган ягона ҳуқуқий талабларга риоя этиш чора-тадбирларини назорат қилиш ва амалга ошириш. Тегишли ҳудуддаги жамоат жойларида қурилиш нормаларига, техник эксплуатация қоидаларига, коммуникация, экология, санитария, эпидемиология стандартлари ва талабларига риоя қилинишини назорат қилиш.	2023-йил давомида	Туман ҳокимлиги, жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи барча субъектлар

3.	Йўл ҳаракатини тартибга солиш ва мавжуд транспорт инфратузилмасидан оқилона фойдаланиш чораларини кўриш. Жамоат хавфсизлигини бевосита таъминловчи субъектларни моддий-техник жиҳатидан таъминлаш, уларнинг ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.	2023-йил давомида	Туман ҳокимлиги, жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи барча субъектлар
4.	Жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган идоравий дастурлар ижросини таъминлаш. Жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчилик, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш. Жамоат жойларида, шу жумладан йўлларда, транспорт ва туризм инфратузилмаси объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган барча куч ва воситалар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш.	2023-йил давомида	Туман Ички ишлар идораси томонидан жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи барча субъектлар билан биргаликда
5.	Фуқаровий ҳамда хизмат курули ва унинг ўқ-дорилари муомалада бўлиши соҳасига доир қоидалар ва тартибга, ушбу соҳадаги лицензия ва рухсат беришга оид талаблар ҳамда шартларга риоя этилишини таъминлаб бориш. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни ниқлаш ҳамда жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг комплекс, тизимли таҳлилин олиб бориш, уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш, мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланиш юзасидан таклифлар, кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар ва тавсиялар киритиб бориш. Илгари судланганлар(992нафар) билан профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш.	2023-йил давомида	Туман Ички ишлар идораси томонидан жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи барча субъектлар билан биргаликда

6.	Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий Тартибсизликлар юзага келганда, уларга чек қўйиш бўйича тадбирлар юзасидан умумий бошқарувни таъминлаш. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолати ҳақида кенг жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиб бориш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қабул қилинган илмий-тадқиқот ва ташкилий-услубий ишларни ижросини таъминлаш.	2023-йил давомида	Туман Ички ишлар идораси томонидан жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи барча субъектлар билан биргаликда
7.	Жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мақсадли қабул қилинган идоравий дастурларни ижросини таъминлаш ва амалга ошириш. Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга чек қўйиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш.	2023-йил давомида	Туман Миллий гвардия хизмати томонидан жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи барча субъектлар билан биргаликда
8.	Ўзига бириктирилган жамоат жойларида, шу жумладан вилоят марказидаги оммавий тадбирларда, истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бозорларда жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш ҳамда ваколати доирасида фавқулодда вазиятларда ва фавқулодда ҳолат эълон қилинган ҳудудларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш.	2023-йил давомида	Туман Миллий гвардия хизмати томонидан жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи барча субъектлар билан биргаликда
9.	Террорчиликка қарши операцияларни ўтказишдаги тадбирларда, ваколатли давлат идоралари билан ҳамкорликда иштирок этиш. Давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган объектларни ҳамда бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкни кўриқлаш ҳамда кўриқлаш фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қабул қилинган илмий-тадқиқот ва ташкилий-услубий ишларни амалга ошириш.	2023-йил давомида	Туман Миллий гвардия хизмати томонидан жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи барча субъектлар билан биргаликда
10.	Табийий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, ёнғин хавфсизлиги, сувобъектларида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш.	2023-йил давомида	Туман Фавқулодда вазиятлар бўлими хизмати томонидан жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи барча субъектлар билан биргаликда

11.	<p>Фавқулудда вазиятлар ва ёнғинлар юзага келишининг олдини олиш ҳамда профилактика тадбирларини ташкил этиш чораларини кўриш, аҳоли ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига хавф-хатар туғилганда комплекс ёрдам кўрсатиш, фавқулудда вазиятлар хавфи юзага келганда ёки содир бўлганда улар тўғрисида аҳолини ўз вақтида огоҳлантириш ва хабардор қилишни ташкиллаштириш.</p>	2023-йил давомида	Туман Фавқулудда вазиятлар бўлими хизмати томонидан жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи барча субъектлар билан биргаликда
12.	<p>Фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш, шунингдек, фуқаро муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини ташкил этиш.</p> <p>Табиий ва техноген хусусиятли фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш, бартараф этиш, фуқаро муҳофазаси, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг фаолиятини, ушбу мақсадлар учун молиявий, озиқ-овқат, тиббий ва моддий-техник ресурсларнинг давлат захира фондларини шакллантиришга доир ишларини мувофиқлаштириш ва уларнинг самарали ҳамкорлигини ташкил этиш чораларини кўриш.</p>	2023-йил давомида	Туман Фавқулудда вазиятлар бўлими хизмати томонидан жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи барча субъектлар билан биргаликда
13.	<p>Табиий, техноген хусусиятли фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, фуқаро муҳофазаси, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш шунингдек, фавқулудда вазиятларда иқтисодиёт объектлари фаолиятининг барқарорлигини ошириш соҳасидаги илмий-техник ва инновацион сиёсат олиб боришнинг устувор йўналишларини белгилашда иштирок этиш ва мақсадли илмий-техник дастурлар ижросини таъминлаш.</p>	2023-йил давомида	Туман Фавқулудда вазиятлар бўлими хизмати томонидан жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи барча субъектлар билан биргаликда

14.	<p>Терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчиликка, курул-яроғ, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш.</p> <p>Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи миллий, этник ва диний адоватни тарғиб этишга қаратилган бузғунчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга барҳам бериш чораларини кўриш.</p> <p>Давлат чегарасида, жумладан чегараолди зонаси ва чегараолди минтақасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, уларга имкон берувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш.</p>	2023-йил давомида	Туман Давлат хавфсизлиги хизмати томонидан жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи барча субъектлар билан биргаликда
15.	<p>Террорчиликка қарши операция ҳудудларида жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган куч ва воситалар фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ҳамдаташкилий-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш.</p> <p>Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида ва қонунчиликда белгиланган бошқа жойларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жамоат хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган шахслар, муомалада бўлиши чекланган ёки тақиқланган ашёлар ҳамда моддаларнинг давлат чегарасидан ноқонуний олиб ўтилишининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга барҳам бериш чораларини кўриш.</p>	2023-йил давомида	Туман Давлат хавфсизлиги хизмати томонидан жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи барча субъектлар билан биргаликда
16.	<p>Давлат ва жамиятга, жумладан жамоат хавфсизлигига террорчилик, кўпоровчилик ва бузғунчилик орқали таҳдид солувчи, миллий, этник, диний адоватни тарғиб этишга қаратилган салбий ҳаракатлар ҳақида тезкор маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва бундай ҳаракатларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш чораларини кўриш.</p>	2023-йил давомида	Туман Давлат хавфсизлиги хизмати томонидан жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи барча субъектлар билан биргаликда

17.	<p>Жамоат хавфсизлигини таъминлашга ваколатли давлат органларининг қонунларни аниқ ва бир хилда бажаришлари устидан прокурор назоратини амалга ошириш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш.</p> <p>Жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган профилактик ва махсус чора-тадбирларнинг самарадорлигини ўрганиш ҳамда ваколатли давлат органларининг қўшма йиғилишларида муҳокама қилиб бориш.</p>	2023-йил давомида	Туман Прокуратура идораси томонидан жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи барча субъектлар билан биргаликда
18.	<p>Жамоат хавфсизлиги соҳасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш омиллари, сабаблари ва шарт-шароитлари юзасидан тизимли ва илмий таҳлилларни амалга ошириш, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкиллаштириш.</p> <p>Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятида йўл қўйилган хато ва камчиликлар юзасидан прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш ва уларнинг бартараф этилишини таъминлаш чора-тадбирларини қўриш.</p>	2023-йил давомида	Туман Прокуратура идораси томонидан жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи барча субъектлар билан биргаликда
19.	<p>Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасига рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва мавжуд воситаларни ягона ахборот платформасига интеграция қилишда тегишли давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш.</p> <p>Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ҳуқуқбузарликларга муросасизлик ҳиссини шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қарашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот ишларини бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда олиб бориш.</p>	2023-йил давомида	Туман Прокуратура идораси томонидан жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи барча субъектлар билан биргаликда

20.	Жамиятда “Обод ва хавфсиз маҳалла”тамойилининг тўлақонли ва самарали жорий этилишини ташкил этиш, оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш. Ваколоти доирасида маҳаллаларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, фуқароларда қонунга ҳурмат ва итоатҳиссини кучайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.	2023-йил давомида	Туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими, оила ва хотин-қизлар бўлими томонидан жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи барча субъектлар билан биргаликда
21.	Оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, “Соғлом оила—соғлом жамият” ғоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириши, нотинч ва муаммоли оилаларга манзилли кўмак берилишини ташкил этиш. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга оид давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли ва фаоллигини ошириш, хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш.	2023-йил давомида	Туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими, оила ва хотин-қизлар бўлими томонидан жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи барча субъектлар билан биргаликда
22.	Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалаларида ички ишлар органлари бошқа давлат идоралари ва жамоат ашкитотларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш. “қизил” ва “сарик” тоифадаги маҳаллаларни яшил тоифага ўтказиш бўйича манзилли чора-тадбирларни кўриб бориш.	2023-йил давомида	Туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими, оила ва хотин-қизлар бўлими томонидан жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи барча субъектлар билан биргаликда
23.	Аҳолининг санитария-эпидемиологик хавфсизлигини таъминлашга доир давлат сиёсатини амалга оширишда кўмаклашиш, мазкур йўналишда давлат органлари ва ташкитотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш. Жамоат жойларида аҳоли соғлиғини сақлашни таъминлаш, аҳолини соғлом турмуш тарзига ундаш, фуқароларда ўзи ва бошқа одамлар саломатлиги учун жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.	2023-йил давомида	Туман Соғлиқни сақлаш бўлими томонидан жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи барча субъектлар билан биргаликда

